

**“ТУРОНБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
БОШҚАРУВ ҚАРОРИ**

2021 йил “02 март

№17/5

Тошкент ш.

“Коррупцияга қарши кураиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби түғрисидаги Низоми”ни тасдиқлаш түғрисида

БОШҚАРУВ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ички назорат департаменти директори О.Эргашевнинг “Коррупцияга қарши кураиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби түғрисидаги Низоми”ни тасдиқлаш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Коррупцияга қарши кураиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби түғрисидаги Низоми” иловага мувофиқ маъқуллансин.
3. Ушбу Низомни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан банк Кенгашига мурожаат қилинсин.
4. “Коррупцияга қарши кураиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби түғрисидаги Низоми” банк Кенгashi томонидан тасдиқлангандан сўнг, Банк аппарати (И.Саламов) зиммасига мазкур Низомни рўйхатга олиш ҳамда банкнинг тегишли департамент, мустақил бошқарма ва барча филиаллар(МАБ)га ишда амал қилиш учун юбориш вазифаси юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув Раиси

Ч.С.Мирзаев



«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Туронбанк» АТБ Кенгашининг
«Д » март 2021 йилдаги
Р-14/д-сонли Қарори

«МАЪҚУЛЛАНГАН»
«Туронбанк» АТБ Бошқарувининг
«Д » март 2021 йилдаги
17/5 - сонли Қарори
№ 860

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билин ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ “Туронбанк” акциядорлик-тижорат банки (кейинги ўринларда – Банк) ва унинг минтақавий ҳамда туман филиаллари (кейинги ўринларда – Банк филиаллари) томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари (кейинги ўринларда – мувофиқлаштирувчи органлар) билан ҳамкорлик қилишга доир масалаларни тартибга солади.

2. Банкнинг мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорлиги Банк фаолиятида қонунийликни таъминлаш, қонунбузилишларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, Банкнинг ўз вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириши мақсадида амалга оширилади.

3. Мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорлик қўйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

маълумот алмашинуви;

қонунбузилишлар ҳақида хабар бериш;

ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиш;

мувофиқлаштирувчи органлар ташаббусига кўра мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш;

бошқа турдаги ҳамкорлик тадбирларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан ҳамкорликни амалга оширишнинг бошқа шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

2-боб. Маълумот алмашинуви

4. Банкнинг мувофиқлаштирувчи органлар билан маълумот алмашинуви доимий асосда қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

мувофиқлаштирувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширувлар, суриштирув ва тергов доирасида мувофиқлаштирувчи органнинг ёзма сўровига жавобан маълумотлар ва ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш;

қўшма мажлислар, ишчи гуруҳлар йиғилишлари ва маслаҳатлашувлар ўтказиш;

ўзаро қизиқиши билдирилган масалалар бўйича статистик, ахборот

материаллари, услубий тавсиялар билан алмашиш.

5. Давлат сири, банк сири, тижорат сири ва бошқа конфиденциал маълумотлар Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”, “Банк сири тўғрисида”, “Тижорат сири тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Банк ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилган ҳолда берилади.

3-боб. Қонун бузилишлар ҳақида хабар бериш

6. Қонун бузилишлар ҳақида хабар бериш мажбурияти Банкнинг Комплаенс-назорат департаменти, Ички аудит департаменти, Банк хавфсизлиги ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармаси (кейинги ўринларда – ваколатли бўлинмалар) зиммасига юкланди.

7. Ваколатли бўлинмалар Банк ва унинг филиалларида коррупцияга қарши курашиб ва унинг олдини олиш, коррупциявий ва бошқа қонунбузарликларга қарши ўз вақтида тезкор чораларни кўриш мақсадида мувофиқлаштирувчи органлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўяди.

8. Ваколатли бўлинмалар ўз ваколати доирасида Банк таркибий бўлинмалари ва Банк филиаллари фаолиятини мониторинг ва назорат қилади, мониторинг ва назорат доирасида текширувлар, ўрганишлар, таҳлиллар ва бошқа назорат тадбирларини ўтказади.

9. Банкнинг таркибий бўлинмалари, Банк филиаллари қонунбузилишлар ҳақида маълумотта эга бўлган тақдирда, бу ҳақда зудлик билан кейинги иш кунидан кечикмасдан ваколатли бўлинмаларга хабар бериши ҳамда қонунбузилиш фактини тасдиқловчи ўзларида мавжуд барча маълумотларни ваколатли бўлинмаларга юбориши шарт.

10. Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари) Банк ва унинг филиалларидағи ўзларига маълум бўлган содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилаётган қонунбузилишлар ҳақида, ушбу Низомнинг 9-бандига амал қилмасдан, ваколатли органларга ёки мувофиқлаштирувчи органларга шахсан хабар бериш хукуқига эга.

Бунда, Банк ва унинг мансабдор шахслари мазкур ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа жазо чоралари қўлламаслигини кафолатлади.

11. Ваколатли бўлинмалар мониторинг ва назоратни амалга ошириш натижасида аниқланган қонунбузилишларни, шунингдек Банк таркибий бўлинмалари ва филиаллари, Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари)нинг қонунбузилиш ҳақидаги хабарлари (шу жумладан, аноним хабарлар)ни тезкорлик билан ўрганиб чиқади, зарур ҳолларда қўшимча маълумотлар ва далиллар тўплайди, ушбу мақсадда мониторинг ва назорат тадбирларини (ходим фаолиятини кузатув остига олиш, ходим томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишларни текшириш, “сирли мижоз” тадбири, ходимнинг ҳамкаслари ҳамда у хизмат кўрсатган мижозлар ва контрагентлар вакилларидан тушунтиришлар олиш ва бошқалар) ўтказади.

12. Қонунбузилиш фактлари ўз тасдигини топгач, шунингдек

қонунбузилиш факти бўйича етарли далиллар ва маълумотлар тўплангач, уч иш куни ичида Банк раҳбариятига билдиришнома ва унга илова қилинган далиллар ва маълумотлар киритади:

· Банк Бошқарув раисига – Банк ва унинг филиаллари ходимлари, Раис маслаҳатчилари, фуқаролик-хукуқий шартнома асосида жалб этилган мутахассислар томонидан содир этилган/этилаётган қонунбузилиш фактлари ҳақида;

Банк Кузатув кенгашига – Банк акциядорлари, Банк Кузатув кенгаши ва унинг қўмита ва комиссиялари вакиллари томонидан содир этилган/этилаётган қонунбузилиш фактлари ҳақида.

13. Киритилган билдиришномалар тегишинча Банк Бошқарув раиси, Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан кўриб чиқилиб, розилик устхати (резолюция) қўйилганидан сўнг ваколатли бўлинма Банк Бошқарув раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган тегишлилиги бўйича мувофиқлаштирувчи органларга қонунбузилишлар ҳақида мурожаат юборади.

14. Мурожаатга мониторинг ва назорат тадбирлари якуни бўйича тузилган ўрганиш ва таҳлил натижаси бўйича маълумотномалар, текшириш натижаси бўйича далолатномалар, айбор шахсларнинг тушунтиришлари, Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари)нинг кўрсатмалари, қонунбузилиш фактини тасдиқловчи бошқа далиллар илова қилинади.

15. Агар қонунбузилиш факти мувофиқлаштирувчи органларнинг топшириғига асосан ёки улар билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари натижасида аниқланган бўлса, ушбу Низом 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар мазкур органларга ёки мазкур органларнинг топшириғига асосан бошқа органларга ҳам юборилади.

16. Ваколатли бўлинмалар Банк мурожаатларини ўрганишда мувофиқлаштирувчи органларга кўмаклашади, зарур ҳолларда Банк раҳбарияти рухсати билан ушбу органларнинг текширув ўтказишини ташкил этади, қонунбузилиш фактлари акс этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг бут ҳолда сақланишини таъминлайди.

17. Мувофиқлаштирувчи органнинг Банк мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича қабул қилган қарорини олгач, агар ушбу қарорга нисбатан эътирози бўлмаса, қарорда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ўн иш куни ичида ушбу қарор ижросини таъминлайди ҳамда бажарилган ишлар ҳақида мувофиқлаштирувчи органни уч иш куни ичида хабардор қиласди.

18. Мувофиқлаштирувчи органнинг Банк мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича қабул қилган қарорига нисбатан эътиroz бўлган тақдирда Банк юқори турувчи ташкилотларга мувофиқлаштирувчи орган қабул қилган қарори устидан белгиланган тартибда шикоят киритишга ҳақли.

19. Хукуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан Банк мурожаатини ўрганиб чиқиш натижаси бўйича жиноят иши қўзғатилган тақдирда Банк, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, хукуқни муҳофаза қилувчи орган қарорига асосан айбланувчи, судланувчи сифатида

жалб қилингандын шахсларни лавозимидан (ищдан) четлаштириш, жиноят иши доираси даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш ва бошқа процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

4-боб. Ҳамкорликда мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиш

20. Банк ва унинг филиаллари, зарур ҳолларда, мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликда мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиши мумкин.

21. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирлари қуйидаги масала ва йўналишлар бўйича ўтказилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужоатларига риоя қилиниши;

Банк ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужоатларига, шунингдек ушбу соҳадаги Банк ички меъёрий ҳужоатларига риоя қилиниши.

22. Мониторинг ва назорат тадбирларининг вазифалари:

Банк ва унинг филиаллари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

Банк хизматларини кўрсатишнинг замонавий юқори стандартларининг жорий қилиниши ва риоя қилинишини таъминлаш, Банк хизматларини кўрсатишда коррупция ва бошқа қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

Банк ходимларининг манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уни бартараф қилиш;

Банк ходимларининг мижозлар ва контрагентларнинг жиноий фаолиятига шериклиги ҳолатларини аниқлаш ва уни бартараф қилиш;

жиноий фаолият доирасида пул маблағлари ҳаракати фактларини аниқлаш ва ҳужоатлаштириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, уларга тақиқ қўйиш, шунингдек улар билан боғлиқ операциялар (битимлар)ни тўхтатиш;

ҳалқаро жиноий алоқалар, уларнинг молиявий ва иқтисодий асосларини фош қилиш, жиноий схемалар турлари ва хусусиятлари ҳақида билимларни ошириш.

23. Банк ходимларининг мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиши уларнинг мустақиллигига, мониторинг ва назорат усуулларини эркин танлашига, шунингдек ўз лавозим мажбуриятларини амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

24. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш учун тузиладиган ишчи гурухларга раҳбарлик ва мувофиқлаштириш масаласи ушбу ишчи гурухни тузган ташкилот томонидан ҳал этилади.

25. Банк ёки унинг филиали раҳбарининг фармойиши

ёхуд мувофиқлаштирувчи органнинг сўровига асосан ишчи гуруҳга Банк ходимини юбориш тўғрисидаги Банк хати ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ишчи гуруҳга юборилган ходимнинг етарли билим ва тажрибага эгалиги учун ушбу ходимни юбориш таклифини берган Банк ва унинг филиали таркибий бўлинмаси раҳбари жавобгардир.

26. Банк ёки унинг филиали раҳбари мувофиқлаштирувчи органнинг ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш учун тузиладиган ишчи гуруҳларга Банк ходимини юбориш қуидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

мувофиқлаштирувчи органнинг сўровида кўрсатилган масалалар қонунга хилоф бўлса ёки сўровда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш қонун бузилишига олиб келса;

мувофиқлаштирувчи органнинг сўрови ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ёки сўровда текширилиши режалаштирилган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарлик содир этганлиги факти етарли асослантирилмаган бўлса;

мувофиқлаштирувчи органнинг сўровида кўрсатилган масалалар Банк ваколат доирасига кирмаса;

ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш Банк ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф солиши яққол намоён бўлса.

27. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш якунлари бўйича тузиладиган ҳужокатлар (маълумотнома, далолатнома, баённома ва бошқалар), шунингдек қабул қилинадиган қарорлар қонун ҳужокатларига ҳамда Банк ички меъёрий ҳужокатларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш якунлари бўйича тузиладиган ҳужокатлар ва қабул қилинадиган қарорларнинг бир нусхаси ижро этиш ва тегишли чоралар кўриш учун Банкка юборилади.

5-боб. Мувофиқлаштирувчи органлар ташаббусига кўра мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш

28. Зарур ҳолларда қўзғатилган жиноят иши доирасида суриштирув, тергов ўтказиш давомида суд ажрими, прокурор ёки терговчи қарорига асосан мувофиқлаштирувчи органлар текширув ўтказиш тўғрисида юборган сўровига мувофиқ Банк томонидан хизмат текшируви, мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказилиши мумкин.

Ушбу тадбирларни ўтказиш учун Банк ва унинг филиаллари раҳбарияти тегишли фармойиш қабул қилиши мумкин, ушбу фармойишда хизмат текшируви, мониторинг ва назорат тадбирлари мақсади, обьекти, предмети, муддатлари ҳамда жалб қилинадиган Банк ходимлари кўрсатилади.

29. Мувофиқлаштирувчи органлар текширув ўтказиш тўғрисидаги сўровига мувофиқ Банк ходимлари мазкур органлар ўтказаётган текширувларга

мутахассис ва эксперт сифатида жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарлариға юборилиши мүмкін.

Мувофиқлаштирувчи органлар текширувига жалб қилинган Банк ходимлари текширувлар ва хизмат сафарлариға иш вақти давомида қатнашади.

6-боб. Бошқа турдаги ҳамкорлик тадбирларини амалга ошириш

30. Банк мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликда үзаро қизиқиш мавжуд масалалар ва муаммолар бүйича ҳамкорликда үрганишлар, таҳлиллар үтказиши ва ҳамкорликдаги таҳлилий материаллар тайёрлайди.

Таҳлилий материалларни тайёрлашда ташаббускор тараф иккинчи тарафға зарур маълумотларни тақдим қилиш, шунингдек ҳамкорликдаги ишларни амалга оширишда мутахассис ажратиш тұғрисида сұров билан чиқышға ҳақли.

31. Банк, Банк ходимларининг коррупцияға қарши курашиш тұғрисидаги, ҳуқуқбузарлыklар профилактикаси тұғрисидаги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғын қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақидаги билимлари ва малакасини ошириш мақсадида мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликда тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкил этади.

Бундай тушунтириш ва тарғибот ишлари:

Банк ходимлари учун семинарлар, семинар-тренинглар, үқув машғулотлари, давра сухбатлари ва конференциялар үтказиш;

ҳамкорликдаги үқув-күргазма материалларини тайёрлаш, огоҳликни оширишга қаратылған тадбирларни амалга ошириш;

міжозлар орасида турли викториналар үтказиш;

оммавий ахборот воситаларида материаллар зыян қилиш, күрсатувлар ва чиқышлар ташкил этиш шаклида амалга оширилади.

7-боб. Якуний қоидалар

32. Банк ходимлари үз хизмат мажбуриятларини амалга оширишда қонунга хилоф хатти-харакатларни амалга оширганда қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсий жавобгарлыққа тортилади.

33. Мазкур Низомни бузишда айбдор шахслар Банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарлыққа тортилади.

Кириллді:

**Ички назорат департаменти
директори**

О.Р.Эргашев

Келишилди:

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот
департаменти директори

Юридик хизмат департаменти
директори

Банк аппарати раҳбари

Ходимлар билан ишлаш департаменти
директори

Кредитлаш департаменти директори


Инвестиция фаолиятини
мувоғиқлаштириш ва лойиҳаларни
бошқариш Маркази директори

Банкни стратегик
ривожлантириш ва маркетинг
департаменти директори в.в.б

Банк рискларини бошқариш
департаменти директори

Чакана хизматлар кўрсатиш
департаменти директори


Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори




А.Т.Ташев




С.Т.Калдибаев



Д.А.Рустамов



Ж.А.Ташқулов



Ш.Э.Бозоров



Б.Н.Арипов



И.Т.Саламов

Ш.А.Ибрагимова

Ф.Ф.Шакаров




З.А.Хамраев




Ф.А.Рўзиқулова



С.О.Сафаров




Р.Ш.Файзиев



И.З.Қутбиддинов

Ахборот технологиялари
департаменти директори

 З.Я.Ибрагимов

Ички аудит департаменти директори

 Б.У.Ахмедов

Ғазначилик ва қимматли қоғозлар
департаменти директори

 Т.Х.Ахмедов

Банк хавфсизлиги ва ахборотларни
муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи

 Н.И.Тангнибердиев

Ишлар бошқармаси бошлиғи

 А.А.Шаққулов